

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.ТІВ.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ БАХОДИР БОБИРОВИЧ

**ҲОМИЛАДОРЛАДА ПРЕЭКЛАМПСИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА
УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Курбанов Баходир Бобирович

Ҳомиладорлада преэклампсияни эрта таъхислаш ва унинг
натижаларини прогнослаш..... 3

Курбанов Баходир Бобирович

Доклиническая диагностика и прогнозирование исходов преэклампсии
у беременных..... 23

Kurbanov Bakhodir Bobirovich

Preclinical diagnostics and prediction of outcomes of pre-eclampsia in
pregnant women..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.ТІВ.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ БАХОДИР БОБИРОВИЧ

**ҲОМИЛАДОРЛАДА ПРЕЭКЛАМПСИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА
УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1./Тib544 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Курбанов Джаҳонгир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гельдиева Маргарита Собировна
биология фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Қозоғистон Республикаси Халқаро
дипломдан кейинги таълим институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳомиладор аёлларда учрайдиган гипертензив ҳолатлар ва улар билан боғлиқ асоратларни ташхислаш ва даволашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Презклампсия ва эклампсия билан хасталанган аёлларда ҳомиладорликдан кейин учрайдиган перинатал асоратлар замонавий тиббиётнинг долзарб муаммосидир. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...презклампсия – кўп тизимли патологик ҳолат бўлиб, ҳомиладор аёлларнинг 3-5% да юзага келади...».¹ Бу касаллик перинатал касалланиш ва ўлимнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади, оналар ўлимнинг сабаблари ичида презклампсия биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Презклампсия туғруқнинг муддатидан аввал рўй бериши, нормал жойлашган йўлдошнинг муддатидан аввал кўчиши, фетоплацентар етишмовчиликнинг ривожланиши, ҳомиланинг она қорнида ривожланишдан орқада қолиши, болаларнинг кам вазн билан туғилиши сабабли долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳомиладор аёлларда презклампсия ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада тиббиётда замонавий бикимёвий, молекуляр-генетик, иммунологик технологияларини қўллаш ва учраш мумкин бўлган асоратларни эрта олдини олиш ҳамда касалликнинг ривожланиш сабабларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Репродуктив тиббиётнинг янги юқори технологияли диагностик усулларини такомиллаштириш ва самарали қўллаш замонавий акушерлик ва гинекологиянинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, аёлларда презклампсия ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириш мақсадида «...репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, аёллар ва болаларга малакали, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий инфратузилмани шакллантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, презклампсия ва гипертензив ҳолатлар билан хаста беморларни эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш ва реабилитация усулларини ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ ЖССТнинг презклампсия ва эклампсияни олдини олиш ва даволаш бўйича клиник тавсиялари. 2021 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги 4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 ноябр ПҚ-4513-сонли “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Аёлларда преэклампсиянинг келиб чиқиш механизмларини ўрганиш, касалликни эрта ташхислаш, даволаш, асоратларини олдини олиш ва прогнозлаш чора-тадбирларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, American Society for Reproductive Medicine (АҚШ), Society of Reproductive Investigation (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Weill Cornell Medical Center (АҚШ), Royal college of obstetrics and gynecology (Буюк Британия), International society of gynecology endocrinology (Италия), European society of hypertension (Италия), Vienna General medical university (Австрия) European Society of Human Reproduction and Embryology (Белгия), Korean catholic university – St.Vincent hospital (Жанубий Корея), University of Tokyo (Япония), Istanbul Medical University (Туркия), академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия), Д.О.Отто номидаги акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий-тадқиқот институти (Россия), И.М. Сеченов номи Россия тиббиёт университети (Россия) ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ҳомиладорларда учрайдиган преэклампсия ҳамда гипертензив ҳолатлар ва уларнинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: ҳомиладорликда учрайдиган гипертензив синдром ва унинг асоратларида аёлларда гормонал бузилишларнинг аҳамияти

³ Диссертациянинг мазмуни бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.asrm.org/>, <https://www.sri-online.org/>, <http://www.harvard.edu/>, <https://obgyn.weillcornell.org/>, <https://www.rcog.org.uk/>, <http://www.isgesociety.com/>, <http://www.eshonline.com/>, <https://www.akhwien.at/>, <https://www.stvincent.kr/>, <https://www.u-tokyo.ac.jp/>, <https://www.istabul.edu.tr/>, <https://ncagp.ru/>, <http://www.ott.ru/>, <http://www.sechenov.ru/>, <http://www.tashpmi.uz/> ва бошқа манбалар.

исботланган (American Society for Reproductive Medicine (АҚШ), Korean catholic university – St.Vincent hospital (Жанубий Корея), Istanbul Medical University (Туркия); преэклампсия билан хаста аёлларда касалликнинг этиологияси ва ривожланиш механизми генетик омиллар билан боғлиқлиги исботланган (International society of gynecology endocrinology (Италия); European society of hypertension (Италия), Vienna General medical university (Австрия); преэклампсиянинг диагностикасида плацента ўсиш омилнинг аҳамияти ва унинг миқдорини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгаллиги исботланган (Weill Cornell Medical Center (АҚШ), Royal college of obstetrics and gynecology (Буюк Британия); енгил ва оғир преэклампсиянинг эрта диагностикасида доплероетрик мезонлар ва даволаш стандартлари такомиллаштирилган (European society of hypertension (Италия); оғир преэклампсияни эрта ташхислашда эндотелиал дисфункция генларининг мутацион вариантларининг ўрни исботланган (University of Tokyo (Япония); преэклампсия ва эклампсиянинг ривожланишида ва касалликнинг оғир асоратлари жумладан HELLP-синдромнинг ривожланишида систематик яллиғланиш механизми исботланган (академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия); преэклампсиянинг клиник кечишида тромбопатия ва тромбоцитар бўроннинг таъсири исботланган (И.М Сеченов номи Россия тиббиёт университети (Россия); гестацион гипертензия ва преэклампсияни эрта ташхислашда ренин-ангиотензин тизим бошқарув генлар экспрессиясининг аҳамияти исботланган (Д.О.Отто номидаги акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий–тадқиқот институти (Россия).

Дунёда преэклампсияни эрта ташхислаш, асоратларини прогнозлаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш ҳамда илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, аёлларда касалликнинг ривожланишини башоратлаш мезонларини асослаш; замонавий молекуляр-генетик, иммунологик усуллар ёрдамида профилактик алгоритмлар ишлаб чиқиш; хавф омиллари мавжуд аёлларда касалликларни қайталанишини башоратлаш ва ташхислаш маркерлари сифатида, генетик рецепторлари экспрессия даражаси ҳамда касалликнинг клиник кечиши ўртасидаги боғлиқликни преэклампсияни ривожланиши ва ташхислашда аҳамиятини ўрганиш; антиагрегат, гипотензив, фетоплацентар етишмовчилик профилактикасига йўналтирилган даволаш усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда аёлларда преэклампсия муаммосини ўрганишга бағишланган изланишлар маълумотларига кўра преэклампсия ва унинг асоратлари патогенезига янгича қараш, шунингдек уларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, Sflt1 оқсили таркиби томирлар эндотелийсидаги ангиогенлик даражасини аниқлашга имкон беради, бу преэклампсиянинг ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлиги исботланган [Cerdeira A.S, et.al. 2018]. Преэклампсиянинг ривожланишида қатор генларнинг патогенетик ролини чуқур ўрганишга бағишланган илмий ишлар полиморфизм даражаси, мутация ва бир неча аллел генларнинг ўзаро таъсири ролини аниқлашни ўз ичига олган [Hornakova A. et.al. 2018]. Айниқса, “ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция” регулятор генлари полиморфизми ва эстроген рецепторларининг аҳамияти ўрганилган [Li Y. et al. 2015]. Преэклампсияни

олдини олиш ва даволашга бўлган ёндошувни ишлаб чиқиш нуктаи назаридан унинг икки турдаги фенотипик кўринишлари мавжудлигини ҳисобга олиш муҳим: эрта (плацента) ва кеч (оналик), ҳомиладорлик кечишининг клиник хусусиятлари, лаборатор-инструментал текширув маълумотларининг ўзгаришлари, оналик ва перинатал натижалари, преэклампсия фенотипини ҳисобга олган ҳолда чақалоқлик даврининг кечишига салбий таъсири исботланган [Morgan H. L. et al. 2018].

МДХ давлатларида преэклампсиянинг эрта ташхислаш ва асоратларини прогнозлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, оғир преэклампсия ва эклампсия билан хаста аёлларни даволаш ва профилактикаси бўйича янгиланган кўрсатмалар тавсия этилган. Илмий тадқиқотларда преэклампсиянинг этиопатогенезида тромботик микроангиопатиянинг аҳамияти исботланган [Макацария А.Д ва ҳаммуал., 2018]. Гестацион гипертензия ва преэклампсиянинг клиник кечишида децидуал НК-хужайралар ҳамда эндотелиал омиллар - эндоглин, ингибинларнинг аҳамияти ўрганилган [Стрижаков А.Н ва ҳаммуал., 2016, Барановская Е.И 2018]. Преэклампсиянинг асоратларини олдини олиш учун башорат мезонлари сифатида NFκB, MAPK, JNK оксилларнинг аҳамияти исботланган [Галина Т.В ва ҳаммуал., 2017]. Шунингдек, ҳомиладор аёлларда кузатиладиган турли даражадаги гипертензив ҳолатларни ташхислашда эндотелиоз схемаси ва ангиогенлик коэффициенти ишлаб чиқилган [Доброхотова Ю.Э ва ҳаммуал., 2016].

Ўзбекистонда олимлар томонидан преэклампсиянинг ташхислашда псевдоваскулогенез жараёнини бузилиши оқибатида эндотелиал оксиди ва плацента ўсиш омилларининг (PLGF) плацента ётоғидаги аниқланган морфологик ўзгаришлар орасида корреляцион боғлиқлик аниқланган [Махмудова С.Э., 2019] Ўзбек миллатига мансуб ҳомиладор аёлларда гестацион гипертензия, преэклампсия ва сурункали артериал гипертензия ривожланишида иштирок этувчи (CYP11B2, AGT) генларининг аллел вариантлари ва генотиплари билан боғлиқлиги аниқланган (Ашурова У.А., 2020).

Преэклампсия билан хаста ҳомиладор аёлларда молекуляр-генетик маркерларни ўрганиш, касаллик асоратларини эрта ташхислаш, прогнозлаш ва патогенетик даволашда истиқболли ва етарлича янги йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда узоқ вақт давомида оғир преэклампсия ва эклампсияни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг инновацион технологиялари қўлланилиб келаётганлигига қарамасдан, перинатал асоратларни камайтириш ҳамда аёлларнинг репродуктив фаолиятини тиклаш салмоғини ошириш усулларини излаш илмий давраларда давом этаётган мунозараларнинг мавзуси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №ПЗ-201709071-сон «Ҳомиладорликда преэклампсияни эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йиллар) мавзусидаги илмий илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади преэклампсияда ҳомиладорлик натижаларини эрта ташхислаш ва прогнозлашда “ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция”нинг регулятор генлари ва эстроген рецепторлари, антиангиоген оксилларнинг патогенетик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

преэклампсия билан оғриган аёлларнинг комплекс клиник-генетик текширувини ўтказиш ҳамда касалликнинг клиник шаклларига кўра, “ренин-ангиотензин тизими” регулятор генларининг полиморф вариантлари – AGT (Thr174Met ва Met235Thr) AGTR1(A1166C), AGTR2 (A/G) аҳамиятини аниқлаш;

преэклампсиянинг ривожланиш механизмида “эндотелиал дисфункция” регулятор генлари полиморф вариантлари – NOS3 (C-786T), eNOS (C774T), шунингдек ESR1 (G/A) эстроген рецепторининг аҳамиятини баҳолаш;

“ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция” регулятор генларнинг генотипик вариантлари ва преэклампсиянинг ривожланиши орасидаги ассоциатив боғлиқликни баҳолаш;

аёлларда преэклампсиянинг шаклланиши ва зўрайишида регулятор генларнинг “функционал жиҳатдан нокулай” генотиплари турли бирикмаларининг синергик таъсирини баҳолаш;

преэклампсияни ташхислаш ва прогнозлашда Sflt1 антиангиоген омиленинг ролини баҳолаш;

аёлларда преэклампсияни эрта ташхислаш, даволаш, натижаларини прогнозлаш ва олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 6-туғруқ комплекси, 4-шаҳар клиник шифохонаси ҳомиладорлик касалликлари бўлимидаги ҳомиладорликнинг II-III триместрида бўлган 211 нафар аёлларлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун қон ва унинг зардоби, пешоб ва йўлдош намуналари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, бактериоскопик, молекуляр-генетик, функционал, гистологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

преэклампсиянинг ривожланиш механизмида “ренин-ангиотензин тизими”– AGT (Thr174Met ва Met235Thr) AGTR1(A1166C), AGTR2 (A/G), “эндотелиал дисфункция” – NOS3 (C-786T), eNOS (C774T) ва ESR1 (G/A) эстроген рецептори регулятор генларининг полиморф вариантларининг диагностик аҳамияти исботланган;

“ренин-ангиотензин тизими”– AGT (Thr174Met ва Met235Thr) AGTR1(A1166C), AGTR2 (A/G), “эндотелиал дисфункция” – NOS3 (C-786T), eNOS (C774T) ва ESR1 (G/A) эстроген рецептори регулятор генларининг генотипик вариантлари ва преэклампсиянинг ривожланиши орасидаги ассоциатив боғлиқликнинг диагностик аҳамияти исботланган;

артериал қон босими ва қон томири тонусини тартибга солишнинг мураккаб ички тармоқли ўзаро таъсири остида бўлган AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G) ва NOS3 (C-786T) генлар полиморфизми нохуш аллел вариантларининг ташувчиси

билан преэклампсиянинг шаклланиши ва кечишининг оғирлик даражаси орасида тўғри корреляцияли ишончли ассоциатив боғлиқлик исботланган;

ангиотензин кодини ташувчи AGT (Thr174Met) ва унинг рецептори (AGTR2 A/G) ҳамда NO-синтетаза ферментининг NOS3 (C-786T) генининг преэклампсияни ривожланишида мустақил равишдаги хавф омили эканлиги исботланган;

преэклампсиянинг шаклланиши ва зўрайишида мураккаб ички тармоқли ўзаро таъсирда бўлган “ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция” регулятор генлари «функционал жиҳатидан нохуш» генотиплар турли комбинациялари ва эстроген рецепторларининг синергик таъсири исботланган;

индивидуал протектив, яъни “ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция” генлари баъзи аллел вариантларининг, преэклампсия ривожланишига нисбатан ҳимоя таъсири исботланган;

sflt1 оксиленинг преэклампсияни клиник кечиши, касалликнинг зурайиши, асоратларнинг юзага келиши ҳамда она ва ҳомиланинг ҳолати билан тўғри корреляцияси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

артериал қон босими ва қон томири тонуси регуляциясининг бузилиши ва “ренин-ангиотензин тизими”–AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G), “эндотелиал дисфункция” –NOS3 (C-786T) генлари функционал жиҳатдан нохуш бўлган аллел вариантлари орасидаги патогенетик боғлиқлик асосланиб, преэклампсияни ташхислаш, ривожланиши ва клиник кечишини прогнозлашнинг такомиллаштирилган алгоритми тавсия этилган;

преэклампсиянинг ривожланиши ва клиник кечишининг зўрайиши хавфини баҳолаш, касалликнинг ривожланишида юқори хавф гуруҳларини аниқлаш мақсадида скрининг текширувларида мустақил прогностик маркер сифатида AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G) ва NOS3 (C-786T) генлари полиморфизмини ҳамда текшириш тавсия этилган;

функционал жиҳатдан заиф бўлган генотипик вариантлари, мустақил ёки комплекс тарзда, скрининг текширувларида қўшимча, преэклампсиянинг ривожланишида юқори хавф гуруҳларини аниқлаш мақсадида, улардан маркер сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

ҳомиладор аёлларда гипертензив ҳолатларнинг ривожланиши, артериал қон босимининг ошиши ва клиник кечишининг зўрайиши хавфини ва ангиогенлик даражасини баҳолаш мақсадида прогностик маркер сифатида sflt1 оксилени аниқлаш тавсия этилган;

юқори даражадаги хавф гуруҳига кирган аёлларда режалаштирилган ҳомиладорликда преэклампсия ривожланишини олдини олиш мақсадида AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G) ва NOS3 (C-786T) аллель генларининг экспрессиясини аниқлаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошувлар ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган амалий натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий

маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладор аёлларда преэклампсияни эрта ташхислаш ва натижаларини прогнозлашни такомиллаштириш, “Ренин-ангиотензин тизими”, “эндотелиал дисфункция” ва эстроген рецептори регулятор генлари полиморфизмининг молекуляр-генетик текшируви касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлашни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор аёлларда оғир преэклампсияни башорат мезонларини ишлаб чиқиш ва AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G), NOS3 (C-786T) аллель генларининг экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ҳамда касаллик патогенезини барча бўғинларига тизимли таъсир этувчи янги такомиллаштирилган профилактика усулларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ҳомиладор аёлларда преэклампсияни эрта ташхислаш ва унинг натижаларини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёлларда оғир преэклампсияни эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олишнинг янги усулини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «sFlt1 антиангиоген оксиди ёрдамида ҳомиладор аёлларда преэклампсияни эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги №8 н-з/114 –сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши преэклампсияни ташхислашда sFlt1 оксидининг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш имконини берган;

ҳомиладор аёлларда преэклампсияни молекуляр-генетик усулда ташхислаш, касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш, асоратларини прогнозлаш усулини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Оғир преэклампсия билан оғирган аёлларда аллел генлар полиморфизмининг хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 02 мартдаги №8 н-з/114-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши преэклампсияни эрта ташхислашда AGT (Thr174Met), AGTR2 (A/G) ва NOS3 (C-786T) аллель генлардан фойдаланиш, регулятор генларининг касаллик этиопатогенезидаги аҳамиятини аниқлаш ва касаллик асоратларини олдини олиш имконини берган;

ҳомиладор аёлларда преэклампсияни эрта ташхислаш ва унинг натижаларини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти перинатал маркази, Тошкент шаҳар 9-сонли туғруқ комплекси ва Хоразм вилояти перинатал маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 майдаги 08-13839–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши преэклампсия асоратларини 3,8га баробарга қисқариши, ҳомиладорлик

ижобий яқунланишининг 2,6 баробарга ортиши ва даволаш муддатини қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманлар, жумладан, 14 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 15 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 184 бетда компьютер матнида баён қилинган бўлиб, кириш, 6 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация структураси ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг “Презкламписиянинг этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ҳақида замонавий тасаввурлар” номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда касалликнинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган, шунингдек касалликнинг клиникаси ва диагностикасига батафсил баҳо берилган. Шунингдек бугунги кунда мавжуд ташхислашнинг биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик усуллари баён этилган.

Диссертациянинг “**Клиник материал ва беморларни текшириш усуллари**нинг умумий характеристикаси” номли иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари ёритилган. Ҳомиладорликнинг II-III триместрида бўлган 104 нафар аёллар текширувдан ўтказилган, улар уч гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳни оғир презкламписия билан 43 нафар ҳомиладор аёллар, иккинчи гуруҳни презкламписиянинг енгил даражаси билан 33 нафар ҳомиладор аёллар, учинчи гуруҳни эса - гестацион гипертензия билан оғриган 28 нафар аёллар ташкил қилди. Назорат гуруҳи – 107 нафар шартли соғлом ҳомиладор аёллар. Текширувдан ўтказилган аёлларнинг ёши 19 ёшдан 41 ёш атрофида бўлган.

Текширув Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Акушерлик ва гинекология кафедрасининг базаси, 6-сонли шаҳар туғруқ комплексида, ва Тошкент шаҳридаги 4-сонли клиник шифохонада олиб борилди. Генетик текширув ЎзР ССВ Республика гематология марказининг молекуляр генетика бўлими базасида олиб борилди.

Текширувдан ўтказилган аёлларда соматик, гинекологик ва акушерлик статусининг хусусиятлари ўрганилди. Барча аёллар қабул қилинган протоколга биноан комплекс стационар текширувдан ўтказилди.

Янги туғилган чақалоқлар ҳолати Апгар шкаласи бўйича баҳоланди. Клиник белгилар бўйича уларнинг муддатига етиб туғилгани ва етуқлиги баҳоланди.

Йўлдошнинг гистологик текшируви илгари А. П. Милованова (1995) ва А. И. Брусилловский (2001) томонидан берилган, Е. П. Калашникова (2003) томонидан ўзгартирилган усул асосида олиб борилди.

Презкламписиянинг клиник ташхиси қўйилган ҳомиладор аёлларнинг ДНК намунаси молекуляр-генетик текширув учун хизмат қилди. Биз томондан AGT генида Thr174Met, AGT генида Met235Thr, AGTR1 генида A1166C, AGTR2 генида A/G, NOS3 генида C-786T, eNOS генида C774T, шунингдек ESR1 генида G/A генларининг полиморфизми аниқланди. Қондан ДНК ни ажратиш ва ПЗР-тахлили реагентлар тўплами ва “Ампли Прайм Рибо-преп” (МЧЖ “Некст Био”, Россия)” компаниясининг тест-тизими ёрдамида амалга оширилди. Синамаларда олинган нуклеин кислоталари препаратининг концентрациясини аниқлаш NanoDrop-2000 (NanoDrop Technologies, АҚШ) қурилмасида спектрофотометрик олиб борилди. Ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ (МЧЖ НПФ «Синтол», Россия) компаниясининг тест-тизимидан фойдаланиш билан Corbett research (Corbett. Австралия) ПЗР-амплификаторида мутация текширилди.”EpiCalc 2000 Version 1.02” статистик дастури ёрдамида олинган натижаларга статистик ишлов берилди.

sFlt-1 оксилининг (Soluble Flt-1) миқдорий таркиби аниқланди. Ҳомиладор аёлларнинг қон зардоби текширув материали бўлиб хизмат қилди. Ушбу оқсил иммунофермент усули, айнан эса, Электрохемилюминесцент иммун тахлили, технология Elecsys (Испания) билан аниқланди. Ўлчов диапазони sFlt-1: 0.10-850 пг/мл. Текширувда олинган маълумотларга, статистик ишлов беришнинг ўрнатилган функцияларидан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office Excel-2011 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. $P < 0,05$ бўлганида статистик аҳмиятга эга ўзгаришлар қиймати сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Текширувдаги аёлларни клиник-лаборатор баҳолаш”** номли учинчи бобида презкламписиянинг турли даражаси бўлган ҳомиладор аёлларда тадқиқотнинг клиник-лаборатор натижалари келтирилган, текширувдаги гуруҳларнинг қиёсий тахлили, ҳамда қиёсий характеристикаси олиб борилган.

Анамнез йиғишда ҳомиладорлик ва туғруқнинг паритетига эътибор қаратилди. Биринчи марта туғруқ бўладиган ва биринчи марта ҳомиладор бўлган аёллар, иккинчи (30,3%) ва учинчи гуруҳдан (25,9%) фарқли равишда, биринчи гуруҳда устунлик қилди ва 45,5% ни ташкил қилди. Иккинчи гуруҳдаги аёлларда 39,4% ҳолатларда иккинчи туғруқ кузатилган, биринчи гуруҳда эса бу 20,5% ни, учинчи гуруҳда эса мос равишда 29,6% ни ташкил қилган. Бир ҳолатда иккинчи гуруҳдаги аёлда бешинчи туғруқни ташкил қилган. Биринчи гуруҳдаги аёлда беихтёр бола ташлаш 27,3%, иккинчи гуруҳда 24,2% ҳолатда, учинчи гуруҳда эса 25,9% ҳолатда кузатилган.

Анамнез йиғишда шу нарсага эътибор қаратилдики, кўпчилик ҳолатларда текширувдан ўтган шахсларда гинекологик касалликлардан Бактериал вагиноз учраган. Биринчи гуруҳдаги аёлларда 52,3 %, иккинчи гуруҳда 42,4 %, учинчи гуруҳда эса– 48,1 % ни ташкил қилган. Учраши бўйича иккинчи ўринни Кандидоз эгаллаган, учала гуруҳда у мос равишда 15,9%, 27,3% ва 14,8% ни ташкил қилган. Сурункали аднексит кўпинча иккинчи гуруҳдаги ҳомиладорларда учраган ва 18,2% ни ташкил қилган. Биринчи ва иккинчи гуруҳларда бачадон миомаси (13,6% ва 21,2% мос равишда), шунингдек ташқи генитал эндометриознинг (6,8% ва 9,1% ҳолатларда) бўлиши қизиқарли факт бўлиб ҳисобланди. Бачадон бўйни эрозияси 15,9% ҳолатларда оғир преэклампсия билан оғриган аёлларда ва 14,1% ҳолатларда гестацион гипертензия билан оғриган беморларда учраган.

Текширувдаги аёлларнинг соматик саломатлиги, шунингдек уларда йўлдош касалликларнинг мавжудлиги батафсил ўрганилди. Маълумки, ҳомиладорлик вақтида эндокрин тизимининг касалликлари, хусусан, семизлик, қалқонсимон безнинг шикастланиши ва б. бўлиши гипертония ҳолати ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб семизлик кўпроқ биринчи гуруҳдаги беморларда кузатилган, ва 40,9% ни ташкил қилган. Иккинчи гуруҳда шундай ташхис 39,3 % ҳолатларда, учинчи гуруҳда эса 33,3% ҳолатларда учраган. Варикоз касаллиги ҳам, шунингдек, иккинчи (18,2%) ва учинчи (18,5%) гуруҳлардан фарқли равишда, биринчи гуруҳда (25,0%) кўп учраган. Бу аёллар қон-томир жаррохининг маслаҳати билан чуқурлаштирилган текширувдан ўтдилар. Шунингдек текширилган шахсларда қалқонсимон без касалликлари (диффуз токсик буқоқ, тиреотоксикоз ва б.) аниқланган. 24,2 % ҳолатларда ушбу касалликлар иккинчи гуруҳда, ва мос равишда 20,5% ва 14,8 % ҳолатларда биринчи ва иккинчи гуруҳларда аниқланган. Биз томондан сийдик чиқариш тизими касалликлари, хусусан, сурункали пиелонефритнинг зўрайиши ҳолатлари аниқланди. Беморлар дизурия, тана ҳароратининг кўтарилиши, бел соҳасида оғрик бўлишига шикоят қилдилар. СЙИ 22,7%, 27,3%, 33,3% ҳолатларда барча учала гуруҳларда кузатилди. Бундан ташқари, барча гуруҳларда, кўпроқ биринчи гуруҳда, камқонликнинг турли даражалари кузатилди, айнан эса,— 34,1%, иккинчи гуруҳда – 30,3%, учинчи гуруҳда эса – 33,3 % ҳолатларда аниқланди. Биринчи гуруҳдаги бир аёлда ва иккинчи гуруҳдаги бир аёлда пневмония кузатилди.

Текширувдан ўтган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқ ўрганилди (жадвал 1). Туғруқнинг жаррохлик йўли билан кечиши сони оғир преэклампсия билан оғриган биринчи гуруҳдаги ҳомиладорларда бир баравар кўп бўлган. Туғруқнинг Кесарча кесиш йўли билан 45,5 %, табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ 55,5% ни ташкил қилган. Кесарча кесишнинг барча операциялари шошилиш тартибда бажарилди. Асосан эклампсиянинг тахдид қилувчи симптомлари, олиб борилаётган давонинг самарасизлиги операцияга кўрсатма бўлиб ҳисобланди. Шунини таъкидлаш лозимки, барча беморлар миллий стандартларга мувофиқ стационар давони олдилар.

Текширув олиб борилган гуруҳларда туғруқнинг натижалари

	Туғруқлар					
	Кесарча кесиш		Физиологик туғруқлар		Муддатидан аввал туғиш	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Биринчи гуруҳ n=44	20	45,5	24	55,5	21	47,7
Иккинчи гуруҳ n=33	8	24,2	25	75,8	15	45,5
Учинчи гуруҳ n=27	3	11,1	24	88,9	8	29,6

Биринчи гуруҳдаги аёлларда 47,7% ҳолатларда муддатидан аввал туғруқ кузатилган. Туғруқдан кейин икки ҳолатда ҳомиланинг перинатал нобуд бўлиши (жуда кичик вазн билан туғилган), икки ҳолатда ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган. Физиологик туғруқларда 2 ҳолатда ЦҚХ нинг танқислигисиз гипотоник туғруқдан кейинги қон кетиши кузатилган. Табиий туғруқ йўллари орқали барча туғруқлар эпидурал анестезия остида ўтказилган. Иккинчи гуруҳдаги аёлларда Кесарча кесиш 24,2% ҳолатларда, 75,8 % ҳолатларда физиологик туғруқ кузатилган. 45,5% ҳолатларда муддатидан аввал туғруқ аниқланган. Туғруқдан кейин акушерлик ва перинатал асоратлар кузатилмаган. Учинчи гуруҳдаги шахсларда физиологик туғруқ 88,9% ҳолатларда, оператив туғруқ 11,1% ҳолатларда кузатилган. Муддатидан аввал туғруқ сони 29,6% ни ташкил қилди. Шунингдек ҳеч қандай асоратлар кузатилмаган.


Тадқиқот жараёнида физиологик ҳомиладорлик бўлган аёлларда ва барча уч гуруҳдаги ҳомиладорларда антиангиоген оксил (sFlt1) концентрацияси аниқланди. 2 жадвалдан кўриниб турибдики, ҳомиладорликнинг физиологик ечиши бўлган назорат гуруҳидаги аёлларда sFlt1 нинг миқдорий таркиби $0,38 \pm 1,14$ нг/мл ни, асосий гуруҳдаги аёлларда sFlt1 миқдорининг ишонарли ошиши кузатилган. Шундай қилиб биринчи гуруҳда ўртача $10,1 \pm 0,23$, енгил преэклампсияда иккинчи гуруҳда $3,3 \pm 0,11$ нг/мл, гестацион гипертензия бўлган учинчи гуруҳда $2,4 \pm 0,10$ нг/мл кузатилган. Ангиогенез омили концентрациясининг яққол ўзгаришлари учала асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда аниқланган. Хулоса қилиш мумкинки, гипертония ҳолати, шунингдек преэклампсиянинг оғирлиги ошиши билан sFlt1 оксилининг концентрацияси ортади, унинг даражаси оғир преэклампсияда $10,1 \pm 0,23$ нг/мл гача етиши мумкин.

Текширувдан ўтганларнинг қонида (sFlt1) миқдори

Омил	Назорат гуруҳи (n=107)	Биринчи гуруҳ (n=44)	Иккинчи гуруҳ (n=33)	Учинчи гуруҳ (n=27)
(sFlt1) нг/мл	0,38±1,14	10,1±0,23	3,3±0,11	2,4±0,10


Оғир преэклампсия бўлган беморларда АҚБ нинг ошиши, шунингдек пешобда оксил даражасининг ортиши билан синхрон равишда қондаги sFlt1 оксилнинг концентрацияси ошади. Ҳомиладорликнинг физиологик кечишида III триместрда ангиогенез омилли фаоллигининг мунтазам пасайиши рўй беради, чунки sFlt1 оксили ангиоген омилларнинг ингибитори бўлиб ҳисобланади, уларнинг синтези бостирилади. Йўлдошда морфофункционал бузилишлар натижасида ривожланган преэклампсияда sFlt1 оксилнинг синтези кучаяди, у VEGF ва PlGF ангиоген омилларининг фаол бўлишига олиб келади. sFlt1 оксили концентрациясининг ошиши ангиогенез омилларининг танқислигига олиб келади, бу ҳаёт учун муҳим аъзолар эндотелийси дисфункциясининг сабабчиси бўлиб ҳисобланади ва преэклампсия кечишининг оғирлашишига олиб келади. Ангиогенез омилларининг концентрацияси преэклампсиянинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлади. sFlt1 оксили концентрациясининг максимал ошиши оғир преэклампсияда кузатилади. Олиб борилган тадқиқотнинг натижалари шуни кўрсатадики, преэклампсиянинг турли оғирлик даражасида sFlt1 оксили ангиоген омилли даражасини аниқлаш ҳомиладорликнинг асоратларини прогнозлашда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг “Ренин-ангиотензин тизими регулятор генлари полиморф вариантларининг роли” номли тўртинчи бобида асосий ва назорат гуруҳидаги аёлларда - AGT генида Thr174Met, AGT генида Met235Thr, AGTR1 генининг A1166C, AGTR2 генида A/G генлари полиморфизмининг хусусиятлари батафсил ёритиб берилган.



Расм 1. Беморлар ва назорат гуруҳида AGT генида Thr174Met полиморфизми генотиплари тақсимланишининг частотаси


AGT гени Thr174Met полиморфизмининг преэклампсия этиопатогенези билан боғлиқлигини баҳолаш Ўзбекистонда биринчи марта олиб борилди. Тадқиқот натижалари ушбу полиморфизм нохуш генотипик вариантларининг ангиотензиноген экспрессияси ва ренин-ангиотензинли ишига дисрегулятор таъсир кўрсатишини билвосита билдиради, бу артериал гипертензиянинг шаклланиши ва преэклампсиянинг ривожланишига организмнинг мойиллигида генетик омилларнинг аҳамияти ҳақидаги муҳим тасдиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу локузда Thr/Met ва Met/Met нохуш генотиплари миқдорининг ортиши преэклампсиянинг оғир шакли ривожланиши хавфининг ошиши боғланган. Имкониятлар нисбатининг коэффициентига мувофиқ функционал жиҳатдан нохуш генотиплар патологиянинг ушбу шаклини 5 бараваргача ошириши мумкин. Ушбу маълумотлар шундай хулоса қилишга имкон берадики, AGT генининг Thr174Met полиморфизми преэклампсиянинг ривожланиши ва оғирлик даражасига мойиллигининг генетик структурасининг шаклланишида маълум даражада ҳисса қўшади.



Расм 2. Беморлар ва назорат гуруҳларида AGT гени Met235Thr полиморфизми генотиплари тақсимланишининг частотаси

AGT гени Met235Thr полиморфизми ва преэклампсиянинг ривожланиши орасида ҳеч қандай аниқ муносабатлар аниқланмади. Ушбу локуснинг аллелли ва генотипик вариантлари преэклампсия билан оғриган аёллар ва назорат гуруҳларида деярли тенг тақсимланган. Ушбу полиморфизм преэклампсиянинг мураккаб ва патогенетик механизмида индивидуал ҳисса қўшмайди, бу мустақил маркер сифатида (яъни, алоҳида), ушбу патологиянинг ривожланиши хавфига мойиллигини баҳолаш учун, ушбу локуснинг прогностик самарадорлиги юқори эмаслиги ҳақида далолат беради.

Ушбу генни текшириш натижасида аниқланган тафовутлар статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади. Шундай қилиб, олинган маълумотлар, преэклампсиянинг ривожланиши хавфига мойиллигини баҳолаш учун, мустақил омил сифатида AGTR1 генининг A1166C прогностик самарадорлигининг айтарлик юқори эмаслиги ҳақида далолат беради.




Расм 3. Беморлар ва назорат гуруҳларида AGTR1 гени A1166C полиморфизми генотиплари тақсимланишининг частотаси


